


Умра парвозлари тўхтатилди



16:00 / 21.12.2020 1712

Саудия Арабистони Умра зиёрати учун халқаро парвозларни вақтинча тўхтатди. Бу ҳақда ахбар аль-явм нашри хабар берди.

Бунга бир қатор мамлакатларда коронавируснинг янги тури аниқлангани сабаб бўлган.

“Ахбар ал-явм” нашрининг ёзишича, янги чекловлар ушбу вирус ҳақидаги маълумотлар аниқ бўлгунга қадар амал қилади. Ҳозирча унинг муддати бир ҳафта қилиб белгиланган.